

ИШОНЧ


Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси газетаси

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАҒБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

24 ноябрь, пайшанба 1998 йил №135(636)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Исроилга буюрган ташрифимиз чоғида сиз раҳбарлик қилаётган корпорация фаолияти билан унинг танишганлик, — деди жумладан Президент Исроил Каримов. — «Исроил авиация саноати» корпорациясининг салоҳияти дунё миқёсида эътироф этилган. Шу маънода ўзаро ҳамкорликни келтириш...

рациянинг «Бедек» авиация бирлашмаси билан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиация компанияси ва «В. Чкалов» номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат-акционерлик жамияти ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ҳамда томонларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Файзуллаев, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Фанниев иштирок этди. Қабулда Исроил давлатининг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Ноах Гал-Гендлер ҳозир бўлди. (УЗА).

ШИКОЯТ ТЕКШИРИЛДИ, АДОЛАТ ЎРНАТИЛДИ

У қасб касаллигини ортириб олди. Шифокорлар учинчи гуруҳ ногиронлигини тайин этдилар. Вақт азоб билан ўтарди. Тўрт мучаси соғ бўлиб юрган одамнинг ногирон бўлиб қолиши унинг кадрдонлари учун ҳам қўйилмаган воқеа бўлди. Талвасада ўзи ҳақида тузукроқ қайғурмаган экан. Мутахассислар билан фикрлашган, «Ўзтемирйўлмаштаъмир» ишлаб чиқариш бирлашмасининг чилангари Ю.Кобзарь шу йилнинг май ойида маъмуриятга тоvon пули ва бир йўла бир йиллик нафақа пулини беришларини сўраб мурожаат этди. Бахтга қарши ишчининг қийналгани етмаганидек, туралар бугун кел, эртага кел дея сарсон қилишди.

Тоқати тоқ бўлган чилангар охири Темирйўлчилар ва темирйўл транспорти курувчилари ходимлари қасба уюшмаси Марказий кўмитасига ёрдам сўраб мурожаат этди. Марказий кўмитанинг меҳнат ҳуқуқи ва техник нозирлари Ю.Кобзарь ишлаган қорхонага бориши, мутасаддилар билан учрашиши. Маълум бўлишича, меҳнат муҳофазаси бўйича муҳандис, санитария-эпидемиология шифокори, қолаверса қасба уюшма кўмитаси керакли ҳужжатларни ўз вақтида тузмаганлар. Инсон тақдирига масъулиятсизлик оқибатида ишчи ярим йил мобайнида сарсон бўлган. Қорхона раҳбарияти шаънига жиддий аммо адолатли эътирозлар айтилди. Охир оқибат иш вақтида соғлигини йўқотган Ю.Кобзарга ҳар ойда 6794 сўм ва 176791 сўм бир йўла нафақа бериш ҳақида бирлашма бошлигининг буйруғи эълон қилинди.

касаба уюшмаси Марказий кўмитаси меҳнат ҳуқуқи нозир В.Колесников - ҳали ҳақ-ҳуқуқларини, Асосий Қонунимизда мустақамлаб берилган имтиёزلарини яхши билмайдиган фуқароларимиз афсуски оз эмас. Боз устига масъулиятни чуқур хис этмаётган, калондимо баъзи амалдорлар, мутахассислар инсонларнинг сарсон-саргардон бўлишга сабабчи бўлмоқдалар. Шу ўринда бир ҳаётий мисол. Илгари Тошкент масофали электр таъми-

ИНСОН ТАҚДИРИ ҲАМ ҲАҚ

сига бориб раҳбарларга учрашди. Бироқ унга соғуқ муомила қилишди. «Мумкин бўлганини тўладик, қолганини билмаймиз», таъкидлади ҳисобчи. Ноилож қолган ишчи темирйўлчилар қасба уюшмасига учрашди. Марказий қасба-қўшма ташаббуси билан адолат тикланди. Меҳнат Кодексига очик-ойдин кўрсатишлар экан. Унга кўра иш қидириш даврда икки ойдан ортик бўлмаган давр мобайнида ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи ва бир ойлик ишдан бўшаиш берилиши даркор. Адолат тиклангандан сўнг Х.Едгоровга ўн тўрт минг сўм тўланадиган бўлди. - Ижтимоий, ҳуқуқий ҳимоя сўраб келганлар билан дилдан суҳбатлашишлар шунини кўрсатдики, - дейди темирйўлчилар ва транспорт курувчилари ходимлари

Х.Едгоров штат қисқариши муносабати билан ишдан бўшди. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 102-моддасида шундай дейилади: «ҳодим билан иш беришчи ўртасидаги келишувга биноан ушбу модда биринчи қисмининг биринчи ва иккинчи бандларига

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ф.Ғ.НАЗИРОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Феруз Ғофурович Назиров Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 1998 йил 23 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ш.И.КАРИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Шавкат Иброҳимович Каримов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 1998 йил 23 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ РАҲБАРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Дамин Абдураҳимович Асадов Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари этиб тайинлансин ва шу сабадан у Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг ректори вазифасидан озод қилинсин.

2. Равшан Тулаганович Султонов Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари - Тошкент шаҳар ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи этиб тайинлансин ва шу сабадан у Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилинсин.

3. Малика Абдуллаевна Зиёева бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари - Тошкент шаҳар ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи вазифасидан озод қилинсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 1998 йил 23 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилади:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси 1998 йил 24 декабрь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.Халилов

Тошкент шаҳри, 1998 йил 23 ноябрь.

Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси муҳофизат қилинган маълумотларни киритиш назарда тутилмоқда:

- 1. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджетни лойиҳаси тўғрисида.
2. Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси лойиҳаси тўғрисида (иккинчи ўқишда)
3. Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
4. Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг қаролатлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
5. Инвестиция фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.

6. Адвокатлик фаолиятининг қаролатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).

7. Урмон тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.

8. Реклама тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).

9. Радиочастота спектри тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.

10. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (янги таҳрирда, биринчи ўқишда).

11. Нохуқумат, нотижорат тақчилотлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).

Ана шу масалалар билан бирга Олий Мажлисининг ваколат доирасига кирадиган бошқа масалаларни ҳам депутатлар муҳофизат қилиш мўлжаллашмоқда.

Бугуннинг гапи

руҳсатсиз бошқа мақсадларга ишлатмаслик ва шу сингари ижтимоий ҳимояга доир бошқа масалалар ўз ифодасини топган. Вилоятда фаолият кўрсатаятган нодавлат қорхоналарда эса қасба уюшмалари билан иш беришчи ўртасида жамоат шартномалари тузилган. Ушбу ҳужжатда ходимларнинг зулмаси иш билан таъминлаш, иш шартларини яхшилаш, ҳиссдорлик жамиятларида зарарли ишлатмаслик, иш ҳақларини ва бошқа туловларни белгиланган муддатларда бериш, ижтимоий имтиёзлар ва қаролатлар белгилаш, кўп болали, кам бор. Яқинда қорхона ўзининг спорт ўйингоҳини қуриб ишга туширди. Оғир ва зарарли шартларда ишловчилар мошига ва таътилига қўшимча ҳақ кўрсатаятган нодавлат қорхоналарда эса қасба уюшмалари билан иш беришчи ўртасида жамоат шартномалари тузилган. Ушбу ҳужжатда ходимларнинг зулмаси иш билан таъминлаш, иш шартларини яхшилаш, ҳиссдорлик жамиятларида зарарли ишлатмаслик, иш ҳақларини ва бошқа туловларни белгиланган муддатларда бериш, ижтимоий имтиёзлар ва қаролатлар белгилаш, кўп болали, кам бор.

НОДАВЛАТ СЕКТОР: ИШСИЗЛАР НЕГА КЎПАЙМОҚДА?

таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш каби мажбуриятлар эътиборга олинган. Тузилган жамоат шартномаларининг ижобий йўналишини Поп туманидаги «Ўзбекистон» ўрамли том ёпқич ашёлар ҳиссдорлик жамияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Жамиятда 1608 ҳодим ишлайди. Бу ерда ҳар бири 1648 сўмдан бўлган 38868 дон акция чиқарилган бўлиб унинг 26 фоизи меҳнат жамоасига сотилди. Қорхонада кўп йиллар ишлаб пенсияга чиққанларга эса имтиёзли акциялар тарқатилган. 1997 йил якунига кура ҳар бир акцияга 1404 сўмдан дивидент тақсимланган. Шу йилнинг 9 ойи мобайнидагина 212 минг АКШ долларлиги микдорда махсулот хорижга экспорт қилинди. Утган йилга нисбатан солиштириш ҳажмининг 5,7 фоизга, ишловчилар сонининг 2,7 фоизга ўсганини 2,9 фоизга қўнатиришга эришилди. Жамият жамоаси учун ишчилар таъминоти қорхонаси, ошхона ишлаб турибди, уй-жой фонди эштибор бериб келинмоқда. Чунки июль ойидаги раёсат йилгилишида қуриб чиқилган «Нодавлат қорхоналар, санацияга тушган ва банкрот, деб эълон қилинган қорхоналарда меҳнатқиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошириладиган ишлар ҳақидаги масала ҳам шундан жўмаласига кирди. Абулқасим, нодавлат қорхоналарининг ҳаммасида ҳам ишловчилар манфаатини муҳофазалашни талаб даражасида, деб айтиш мумкин. Ҳам ўринли, ҳам ўринсиз сабаблар билан бу соҳада айрим муаммолар тулланиб қолаётганлиги ва уларни ҳал этиш чўзилиб кетаётганлиги фикримиз далилидир. Булар орасидан ишловчиларни иш билан таъминлаш масаласи сўнгги оиларда бурт-бурт чиқаётганлигини таъкидлаб ўтишга тўғри келади. Масалан, виллоят энгил саноатининг ҳиссдорлик жамиятларида 1997 йилнинг тўққиз ойи мобайнидаги солиштирилган 5 минг нафар ишчи ка-

майиб кетган. Тайинланган раҳбарларнинг нуноқлиги, бозор шароитида қорхоналарни бошқаришнинг унда-сидан қийинлашганлиги таъкидлаб қўйиб «Муштарий» тикувчилик ҳиссдорлик жамиятида 2 минг ўринга 200 нафаргина аёл ишлатмоқда ҳоло. Виллоятнинг Уйчи, Учқўрғон, Норин туманларидаги йигирув-тикув фабрикалари, Чустдаги Нодира номли тикувчилик, Уйчи, Наманган туманларидаги понабаал фабрикалари ҳиссдорлик жамиятларида умуман аҳвол қонирқарис. Ушбу қорхоналарда ишловчилар сони кўпаймоқда. Ҳомашининг йўқлиги оқибатида «Наманган

лашади. Ҳўш, бундай шароитда улар қандай қилиб рўзгорларини тебраттишлари мумкин? Аникса, ҳозирги кунда бекор юришини оқибати нимага олиб келишини бир тасаввур қилиб кўринг-а. Ҳа, бунини ишчилар ҳам яхши тушунишди. Шу боис қимдир ўзини тижоратга урди, кимдир дехқончилик қила бошлади ва яна кимдир мардикорликка ёлланди. Қорхона раҳбарлари эса қасба уюшмалари талабларига турли баҳоналарни рўқча қилишдан нарига ўтолмаптилар. Ушбу қорхоналар иш фаолиятини мувофиқлаштиришга масъул бўлган Республика Енгил саноат давлат ассоциацияси эса амалий ёрдам кўрсатишга шошилмапти.

Вилоятда 17 та энгил саноат қорхонасидан бирортаси чет эл сармоялари билан ишлашга жалб этилмаганлиги сабабли банкрот ҳолатига яқинлашиб қолган.

Яна шунини таъкидлаш жоизки, юқорида номлар тилга олинган қорхоналарда акцияларнинг сотилиши ҳам қонирқарис аҳволда. Бунга акцияларнинг бекорлигини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Акция сотиб олганлар эса фақат тушлариданига фақат кураптилар. Бу ўз-ўзидан одамларда акцияларга ва айни пайтда ҳиссдорлик жамиятларига бўлган ишончини сўндиришга олиб келиши мумкин.

Ҳуллас, бу тармоқда ишловчиларнинг ижтимоий муҳофазалаш масаласи кескин бўлиб турганлигини ва бошқа тулланиб қолган талай муаммоларни виллоят, шаҳар ҳамда туман ҳокимликлари тўғри баҳолаб, тегишли амалий чоралар қуришларидан умидвормиз.

Фақат шундангина юқоридаги қорхоналар ноқурилиб ҳолатидан кутулишлари мумкин.

Обиджон ЖУМАНАЗОВ, «Ишонч» муҳбири.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япония парламенти вице-спикери К.Ватанабэ бошчилигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ташриф буюрди.

Олий Мажлис раиси Эркин Халилов япониялик меҳмонларга мамлакатимизда қонунчилик тизимини янада такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, бу борада хорижий мамлакатлар парламентлари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик алоқалари хусусида атрафчиқа сузлаб берди.

Учрашувда Ўзбекистон ҳамда Япония парламенти ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Учрашувда Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчиси К.Обата ҳозир бўлди. (УЗА).

«Обуна-99»

«ИШОНЧ»ГА САДОҚАТ

Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кўмитаси «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталарига 1999 йил учун обунани намунали ташкил этишга қаратилган ибратли тадбирларни амалга оширмоқда. Уларнинг шарофати билан шу кунгача «Ишонч»га 3 мингдан ортик обуна қилинди.

Куни кеча яна бир хайрли ишга қўл урилди. Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кўмитаси Раёсати мўҳим ишда намуна кўрсатиб, энг кўп обуна ташкил этган тармоқ виллоят кўмиталари ўртасида мукофот таъсис этди.

Нашр кўрсаткичимиз: Ташкилотлар учун «Ишонч» газетаси - 134, «Ишонч-Доверие» - 136, Яққа шахслар учун «Ишонч» - 133, «Ишонч-Доверие» - 135

ЯХШИ ИШЛАБ, ЯХШИ ЯШАЁТГАНЛАР

Водийнинг энг сўлим вилоятларидан бири Наманган деганда - ширин-шакар меваларга бурканган бог-роғлар, тилими тилин қилади қовунлари-ю бепоеён ҳосилдор даладар, кирлар, минг даргда даъво маъданли сувлари, дил яйрар дам олиш масканлари-ю сўхаттоҳлар, дилкаш ва саховатли одамлари кўз ўнгимизга келади. Айни чоғда вилоят боғбон соҳибкорлари, сабзавоткору полизчилари аҳоли дастурхонини қиш ойларида ҳам ана шу замин неъматлари билан тўкин қилиш учун бор куч ва имкониятларини ишга солишмоқда.

эшитгандан, бир марта кўрган афзал, деган мақол бор. Биз ҳам шу нақлга амал қилган ҳолда бирлашмангиз «Янгиқўрган» агрофирмасига йўл олдик. Агрофирмада йилига 19 минг тоннадан ортқ мева, 15 минг тоннадан ортқ узум, 3 минг тоннадан зиёд сабзавот, 20 минг тоннадан ортқ картошка етиштирилган экан. «Кўкёр»

жалик боғбону сабзавоткорлари табиий офатдан омон қолган экинни ўз вақтида парваришлаб, яхши ҳосил олишга эришдилик. Савдога картошка етказиб бериш режаси 103,5 фоизга бажарилди. Ҳўжаликда айниқса ер ўз эгасини топаётгани қувонарлидир. Моддий манфаатдорлики ҳис қилган деҳқонлар табиат инжиқликларини ен-

ни ўрганишдан бошлади. Масалан, илгари ҳўжаликда керагиндан ортқ ишчи кучи борлиги аниқланиб, уларга бошқа иш топиб берилди. Одамларда мулкка муносабатни ўзгартириш бўйича амалий ишлар олиб борилди. - Натижа ёмон бўлмади, дейди раис. - Бу йил қишлоқ ҳўжалигидаги барча

ўйнайди. Етиштирилган маҳсулотларни сотиш ҳисобига ҳўжаликда 35 миллион ўрнига 40 миллион сўм даромад олиш кўтилмоқда. Соф фойда эса 4,5 миллион сўмга етказилиб, рентабеллик 15 фоизга кўтарилди. Даромадга қараб буромад, дейди халқимиз. Ҳўжалик даромадини қанчалик оширган сари аъзоларининг иш ҳақи ҳам кўтарилмоқда. Мисол учун йил бошида хар бир аъзонининг иш ҳақи ойига 2,2 минг сўмга тўғри келиши мўлжалланган эди. Ҳозирда эса уларнинг ўртача маоши 4,5 минг сўмга етди, ҳадемай бу ракам 7 минг сўмдан ўтиб кетиши режалаштирилмоқда. Ҳўжалик аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари диққат марказида турибди. Жумладан, уларга озик-овқат ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари имтиёзли нархларда етказиб берилмоқда. Тўй, маъракалар харажатиининг бир қисми ҳўжалик ҳисобидан қопланмоқда.

Айни кунларда ҳўжаликда кузги-қишқи тадбирлар амалга ошириляпти. Бугундозорларни сугориш, тоқзорларни ўғитлаш, боғларга шакл бериш ва бошқа юмушлари шулар жумласидандир.

«ТИП-ТОП» ДАН ТОТИВ КЎРГАНМИСИЗ?

Вилоятда чет эл маблағини жалб қилиб вилоятда етиштирилаётган мева ва сабзавотларни жаҳон андозалари талаби даражасида қайта ишлаш бўйича берилаяпти. Шулардан бири утган йил ишга тушган «Морвел-ДжусКО» ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонасида. Айни чоғда корхона мева шарбатларини ишлаб чиқармоқда. Олма, апельсин, ўрик, помидор, шафтоли, шарбатлари шулар жумласидандир. Бу қўшма корхона Янгиқўрган туманининг Исқоват қишлоғида ташкил топди. Ўзбекистон томонидан Республика давлат мулк қўмитаси, Наманган вилоятида рўйхатга олинган «Олтин водий» ҳиссадорлик жамияти унинг муассислари бўлди. Корхонанинг хори-

жий ҳамкори Швейцариянинг «Петролекс А.Г.» компаниясидир. -Аваллига қўшма корхона фақат мева концентратларини тайёрлашга мўлжалланган эди,- дейди биз билан суҳбатда директор Собир Салиев. -Шу боис бултур 5 минг тоннадан ортқ мевадан 500 тонна олма концентратини ишлаб чиқардик. Жорий йилда эса «Тетроник» фирмасида тайёрланган идишларга жойлаш қурилмаси ўрнатилгандан сўнг корхона табиий мева шарбати тайёрлаш ва идишларга қуйишга киришди. Қурилма соатига 3600 донна бир литрлик идишга шарбат қуйиш қувватига эга. Кейинги тўрт ой ичида эса 40 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу йил корхонада 7 минг тоннадан ортқ олма ва бошқа даналик мевалар қайта ишланди. Бу утган йилга нисбатан 2 минг тонна кўп демакдир. Лекин бу чегара эмас. Чунки корхона йилига 20 минг тонна мева ва сабзавотни ҳўжаликлардан қабул қилиб, қайта ишлаш қувватига эга.

Корхонанинг экспорт имконияти ҳам кенгайиб бормоқда. Йил бошидан 143 минг долларлик олма концентрат чегга сотилди. Келажакда корхона маҳсулотининг 70 фоизи хорижга экспорт қилинади. Ҳозир корхонада «Тип-топ» номи билан ишлаб чиқарилаётган мева шарбатлари ҳозирги замон талабларига тўла жавоб беради. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, янги қўшма корхона савдога чиқараётган олма шарбати таркибида органик кислоталар, глюкоза, витаминлар қўлғини билан фарқ қилади. Шу боис ҳадемай, Янгиқўргондаги мазкур корхонанинг мева шарбатлари жаҳон бозорига ўз ўрнини топишига шубҳа йўқ.

Ғулом ЮСУПОВ, «Ишонч» маҳсус мухбири. Суратда: Етачки мутахассис АИЖОМЖОН МИРЗААҚБАРОВ «Кўкёр» ҳўжалиги миришкорлари билан. Т.Маҳкамов олган сурат.

ҲИСОБ-КИТОВ ВАҚТИДА БЎЛСА

Республикамиз мустақилликка эришган, халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида бўлгани каби мева ва сабзавот етиштиришда ҳам муҳим ўзгаришлар рўй бера бошлади. Хусусан, вилоятда ҳам бог-роғлар, сабзавот майдонлари оила ва жамоа пудратчиларга шартнома асосида ижарага берилди. Лекин ана шу шартномаларнинг мукамал эмаслиги, унинг кўпинча бир ёқлама тузилганлиги боис туб бурилиш юз бермаётгани. Бунга тизимда рақобатнинг йўқлиги ҳам халақит беради. Ана шу рақобатни юзага келтириш мақсадида утган йили «Наманганмевасабзавот» вилоят ҳудудий бирлашмаси ташкил этилди. Ҳўш, шу бир йил ичида бирлашмада қандай ишлар амалга оширилди? Маҳсулот етиштириш ва уни жаҳон андозалари талаби асосида қайта ишлашда ўзгаришлар бўлди-ми?

Ҳўкуматимиз мамлакатимизда мева ва сабзавотга бўлган халқимиз талабини янада тўлароқ қондириш, ундан арзон ҳамда сифатли маҳсулотлар тайёрлашни олдимизга муҳим вазифа қилиб қўйди,- дейди бирлашма раиси Неймат Қурбонбоев. -Бирлашма мустақил фаолият кўрсата болагандан кейин бир қанча ўзгаришлар бўлди. Хусусан, 19 та ҳўжаликни бирлаштирган учта агрофирма ташкил қилинди. Булар «Наманганузум», «Чортоқ» ва «Янгиқўрган» агрофирмаларидир.



жамоа ҳўжалиги эса агрофирманинг энг йирик жамоаларидан бири. У Янгиқўрган туман марказидан анча узоқда, тоғ ён бағрида жойлашган бўлиб, иқлими салқин. Бундан ташқари бу ерда дўл, жала, кучли ёмғирлар тез-тез бўлиб туриши натижасида 46 тонна картошка олишга эришди. Ҳосилдорлик 230 центнерга етказилди. Ижарачи Тоҳир Ашуров ҳам оиласи билан 1,5 гектар ер майдонидан 30 тоннадан ортқ картошка олди.

«Наманганузум» агрофирмасига қарашли «Самарқанд» жамоа ҳўжалиги маҳсулот етиштириш режасини сурункасига бажармай келарди. Унга бирлашмадан Мухторжон Ҳайдаров раҳбар бўлиб ўтди, ишлар юришиб кетди. Чунки у ишни ҳўжалик ички, ташқи имкониятлари

соҳалар бўйича мўлжаллангандан анча юқори ҳосил етиштирилди. Ҳўжалигини миришкорлари излаш, ташаббускорлик, ҳамжихатлик билан меҳнат қилиб жорий йилда режадаги 138 тонна ўрнига 143 тонна дон етиштирилди. Мева ва сабзавот етиштиришда бир қатор ютуқлар қўлга киритилди. Боғларимиздан 100 тонна мева олишни мўлжаллаган эдик. Амалда 130 тонна неъмат олинди. Ижарачиларимиз 60 тонна ўрнига 115 тонна сабзавот етиштиришди. Поллиз ва узум етиштириш режаси ҳам ошириб бажарибди. Пахта тайёрлаш ва давлатга сотиш йиллик режаси 26 сентябрь кунини ўз ичига олган, шу кунгача 160 фоизга етказилди. Бунда бригада бошлиқларидан Абдуғаффор Асрорқулов, Абдурасул Акбаров, Соҳиб Абдураҳимов қабиларнинг сийқидидан қилган меҳнатлари муҳим рол

РАҚБАТ ВА РАҚОБАТ МЕВАСИ

агрофирмасига қарашли «Самарқанд» жамоа ҳўжалиги маҳсулот етиштириш режасини сурункасига бажармай келарди. Унга бирлашмадан Мухторжон Ҳайдаров раҳбар бўлиб ўтди, ишлар юришиб кетди. Чунки у ишни ҳўжалик ички, ташқи имкониятлари

Аксига олиб бу йил баҳор совуқ келди, ёз ойларида ҳам ёмғир сероб бўлди. Натижада сабзавот экинларини бир неча марта такрор екишга тўғри келди. Мевалар эндигина гўлдан чиққанида кучли жала ва шамол бўлиб, унинг бир қисмини тўсиб ташлади. Шунга қарамадан, ҳў-

қунт билан ўрганади. Ўз ишига совуққон раҳбарлар билан мурасасиз. Ўз кўл остида ишлайдиган ходимлардан ҳам худди шуни талаб этади. Шу боис касабга уюшмаси вилоят кўмитаси, касабга уюшмалари шаҳар ва туман кўмиталарининг пленум ва раёсат йиғилишларида илгари сурилган масалалар ва энг муҳим вазифаларнинг жойларда

Бундан беш йил бурун Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорт корхоналари Давлат уюшмаси бошқаруви томонидан аҳолига ойлик йўл чипталарини ўз вақтида етказиш мақсадида «Йўловчичитранссервис» корхонаси ташкил этилган эди. Утган қисқа вақт ичида ушбу корхонада бир қатор тадбирлар ўтказилдики, пировард натижада улар бу тармоқда муайян ижобий ўзгаришлар бўлишига туртки бўлди. Ана шулар ҳақида «Йўловчичитранссервис» бошлиғи Шухрат МУҲАМЕДХОНОВ куйидагиларни гапириб берди.

Корхонамиз кўплаб корхона ва ташкилотлар билан шартномалар тузиб, пул ўтказиш йўли билан ҳам уларни ойлик чипталар билан таъминлаб туради. Ҳозирги кунда бундай корхоналарнинг сони 4500 тадан ошиб кетди. Аҳолига қўлайлик туғдириш мақсадида пойтахтнинг энг гавжум жойларида 93 та чипталар билан савдо қилувчи маҳсул шахобчалар очганмиз. Фуқаролар талабларини ўрганишимиз эса улар сонини янада кўпайтириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, шаҳар транспортда бепул юриш имтиёзига эга бўлган шаҳрларнинг маҳсул ҳўжатларини «Тошшаҳарйўловчичитранс» Давлат уюшмаси КРУ ходимлари билан ҳамкорликда текшириш ва тартибга солиш борасида ҳам доимий иш олиб бораётимиз. Чунки кейинги вақтларда қалбаки ҳўжатлардан фойдаланувчилар

ташкilotларга мурожаат қилинди. Шунингдек, «Йўловчичитранссервис» шаҳар транспортда маркетинг асосида рекламалар қилишни ҳам йўлга қўйди. Бу ўз навбатида корхонамиз учун даромад келтирмоқда. Хабарингиз бор, айни вақтда баъзи етачки фирмалари билан келишган ҳолда транспортда рекламалар қилинмоқда. Машур «Қола-қола» ичимлиги, «Самсуни» фирмаси маҳсулотлари, «Нескафе», «Нестле», «Брук

пайдо бўлиб қолди. Маълумки, 1996 йил 1 октябрдан бошлаб Республика Олий Мажлиси қарори билан транспортда имтиёзли юривчилар учун маҳсул гувоҳномалар таъсис этилган эди. Текширувчилар жараёнида ана шундай гувоҳномалардан 1996 йилда 35 таси, утган йилда 75 та, жорий йилда эса 58 та сифатли қалбаки эканлиги маълум бўлди. Қалбаки ҳўжатлар эгасига тегишли чоралар қўриш учун мутасадди

шида албатта илгор ишчи ва хизматчиларнинг катта ҳиссаси бор. Белгиланган ойлик чипталарнинг вақтида сотилишида А.Байков, В.Горбунова, И.Капустин, Ш.Юсупова каби маҳсул шахобчаларда халол меҳнат қилаётган ходимларини номини алоҳида тилга олмас арзийди,- дейди биз билан суҳбатда ойлик йўл чипталарини нақд пулга сотиш бўлими бошлиғи Шухрат Эргашев.

Маълумки, ҳозирги кунда «Йўловчичитранссервис» корхонаси томонидан аҳолининг барча қатламлари учун қўлайлик яратиш мақсадида беш хилда ойлик йўл чипталари чиқарилимоқда. («А»-аҳоли учун, «Н»-нафақа олувчи ва ногиронлар учун, «Т»-талабалар учун, «О»-ўқувчилар учун, «М»-шаҳар транспортининг тўртта турида юриш учун). Бундай усул эса чипталар-

нинг ўз вақтида ва кўплаб сотилиши учун замин яратмоқда. Иқтисодий жиҳатдан кундан-кунга ривож топаётган «Йўловчичитранссервис», «Тошшаҳарйўловчичитранс» Давлат уюшмаси нашри ҳисобланган «Мотор» газетасига ҳам хомийлик қилинмоқда. Газетанинг ўз вақтида чиқиши ва автокорхона ҳамда трамвай-троллейбус саройларига шу куннинг ўзидаёқ тарқатишга эришиш учун ҳаракат қилинмоқда. Ахборот бўлими мутахассислари ушбу юмушнинг ўз зиммасига олиши билан бирга, шаҳар транспортда содир бўлаётган турли воқеалар, янгиликлар билан ҳам газетанонларни хабардор қилиб туришга ҳаракат қилишаётимиз.

Шу билан бирга, «Йўловчичитранссервис» бозор муносабатларини ривожлантириш ва Ўзбекистон сугурта бозорини мустақкамлаш мақсадида «Йўловчи» ва «Метро» сугурта компанияларига уларнинг сугурта вазифаларини йўловчиларга тарқатишда ёрдам кўрсатмоқда. Сугуртанинг бу тури йўловчилар транспортда кетаётган вақтда бахтсиз ҳодиса рўй бергудай бўлса унга моддий ёрдам кўрсатишга мўлжалланган.

Суҳбатдош: АИЖОМЖОН РУЗИБОВЕВ.

Касаба уюшма фаоллари



ИНСОНПАРВАР ФАОЛИЯТ

Ефим Бенционович Гольдман мана, 14 йилдирки, таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси Бухоро вилояти кўмитасига раҳбарлик қилиб келмоқда. Умумтаълим мактаблари, унар-техника, олий ва урта маҳсул ўқув юртлари ўқитувчилари, ўқувчи-ёшлари ва талабаларини ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофазалаш ишлари - бу унинг диққат марказида. Касаба уюшма ишчи агар таъбир жоиз бўлса, инсонпарвар фаолият, деса бўлади. Чиндан ҳам шундай. Одамларга меҳр-оқибатли бўлиш, уларнинг қувончу-ташвишлари, дарду-аламларини қалбаки ҳис этиш, қўлдан келган ёрдамни аямаслик Е.Гольдманга хос ва мос хислатлардандир. Бирор кун ёки соат йўқки, у тармоқ ходимларининг кундалик муаммолари ҳақида ўйламаган бўлсин. Унинг қабулига бирор юмуш билан кириб қолгудек бўлсангиз, рад жавобини деярли эшитмайсиз. Барча юмушларингиз рисоладагидек тезда битеди. Е.Гольдман хизмат юзасидан вилоят шаҳар ва туманларида, қишлоқ мактаблари ва бошқа билим даргоҳларида тез-тез бўлиб туради. Ҳуқуқи-ёшлар, талабалар ва уларнинг тарбиясичи - муаллимлари билан учрашди. Касаба уюшма вазифалари ва тегишли топширилариининг жойларда қай тарихда бажарилаётганлигини

ўз вақтида бажарилиши таъминланишига эришилмоқда. У етакчилигидаги тармоқ, вилоят кўмитаси таълим ва фан ходимларининг ёзма ва оғзаки мурожаатларини куриб чиқишда, шикоят ва аризаларда кўтарилган муаммоларни ўз вақтида енчишда ҳам ибратли тажриба тўплаган. Жумладан, 1997-1998 йиллар давомида касабга уюшмаси вилоят кўмитасига келиб тушган 35 та аризаларнинг деярли барчаси ижобий ҳал этилди. Унинг кўп йиллик ҳалол хизматлари ҳўкуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Шавкатли меҳнати учун», «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медаллар, қатор Фахрий ёриқлар билан тақдирланган. У бир неча марта халқ депутатлари Бухоро шаҳар кенгашларининг депутаты этиб сайланган. Айни пайтда у вилоят халқ таълими бошқармаси кенгашиининг аъзоси сифатида ҳам ишчил фаолият кўрсатмоқда. Ефим Бенционович яхши оила бошлиғи ҳам. У икки нафар фарзанднинг севимли отаси, ширин-шакар невараларининг азиз бобожонисидир. Биз уни кўтулур - 60 ёши билан чин юракдан қутлар эканмиз, чинордек мустақкам соғлиқ, бахт ва омад ҳаминша ҳамроҳи бўлиб қолишини тилаб қоламиз. **Бухоро вилояти таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси.**

Узбекистон Президентининг «Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарликни қўчатириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинганига ҳам тўққиз ой бўлди. Ана шу вақт ичида аксарият шаҳар ва қишлоқларимизда кўплаб тозалаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш иш-



лари амалга оширилди. Яқинда Жиззах вилоятининг Дўстлик шаҳри қунарлари, майдон ва хиёбонларини айланб, бу кўзгудаги доғларни қўриб, юрагим ачиди. Шаҳарнинг қайси қўчасига қадам қўйманг, чиқиндиларнинг тоғ-тоғ бўлиб уйилиб ётганини кўрасиз. Чиқиндилар учун маҳ-

сул идишлар ўрнатилган жойлар йўқлиги туфайли аҳоли хонадонларидан чиқётган ахлатлар дуч келган ерга, хатто, мактаб ва болалар боғчалари яқинига, ошхоналар ва чойхоналар ёнига ҳам ташланмоқда. Биргина Нодирбабегим кўчасининг ўз жойида шундай чиқинди уюмлари бор. Қўчанинг сиртдан қараганда жуда чиroyли куринадиган 10,11,12 ва 12-А кўп хонадонли уйлари ховлисида қанализация қудуқларидан ҳаминша мағзава ва ювинди сизиб туради. Натижада атрофга бадбўй ҳидлар тарқалиб ётади. Қудуқлар атрофидаги мағзава ва ювинди оқавалари сабаб пайдо бўлган қўчанинг баъзи қисмидаги қўчанинг айланб қолгани

Мухбиримиз боғ уради

билан ҳеч қимнинг иши йўқ. Гудаклар бу балчиқдаги лойнинг жуда зарарли эканини қабқдан билсинлар. 12-А уйнинг орқасига ташланавериб, тоғ бўлиб кетган чиқинди ва ахлатларнинг ташиб кетилмаётганига бир неча йил бўлган десам, муболага бўлмайди. Шаҳарнинг А.Навоий, С.Раҳимов, Ҳамза, Ш.Нодиров ва бошқа қўчаларида ҳам чиқиндилар уйилди, йиғилиб кетган. Одамлар ана шу чиқиндиларга ўт ёқиб, йўқотмоқчи бўлганларни сабабли хавонини тутун хиди туғдириб, ауроф-муҳит экологисини бузишмоқда. Бундай пайтларда хатто, нафас олиш ҳам қийинлашади. Кундалик рўзгор чиқин-

дилари ташиб кетилмаслиги ва кун сайин қўпаяётгани устига устак шаҳар қўчалари, хиёбонлари, уйингоҳу истироҳат боғларида чорва моллари боқилиши ҳеч қимни ташвишлантирмайди. Бу ҳол шаҳарда санитария-гигиена ҳолатини янада ёмонлаштирмоқда. Санитария ҳолати шаҳардагина эмас, Дўстлик туманининг ижара ширкатлари бирлашмаларида ҳам жуда ёмон. Туманининг М.Даджонов номи, Қ.Раҳимов номи, Саркисов номи, «Манас» ва «Дўстлик» ижара ширкатлари бирлашмалари марказий қўрғонларида ахлат чиқиндилари тўпланиб қолган. Уларни олиб кетувчи ва тозаланиш нозорат қилиб туривчи мутасадди ташки-

лотлар фаолияти умуман сезилмайди. Юртбошимиз Фармонининг 3-бандида шундай дейилган: «Санитария қонунчилиги бузилганлиги учун шаҳарлар, туманлар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларини ҳамда фуқароларнинг маъмурий жавобгарини қўчатирилсин». Фармонини ва унинг ушбу бандини Дўстлик шаҳри ва тумани раҳбарлари яна бир марта ўқиб, танишиб чиқиб, унга қатъий амал қилишга киришишларининг фурсати етди, назаримизда. **Келдиёр ЖҲРАҚУЛОВ, Суратда: шаҳар кўчасидаги ноҳуш манзара.**

Хориждаги ёшлар ҳаётидан ВАҚТНИНГ ҚАДРИНИ БИЛИШАДИ

Маълумотларга қараганда Буюк Британияда 10 ёшдан 19 ёшгача бўлган ёшлар 7 ярим миллиондан ташкил этади, 2004 йилгача эса уларнинг сони 8 миллионга етishi тахмин қилинган. Барча мамлакатлар сингари Буюк Британия раҳбарияти ёшларнинг таълим-тарбиясига, яхши илим олишига, катта эътибор беради, шунинг билан бирга уларнинг кизиқишларини урганиш мақсадида турли социологик тадқиқотлар ўтказиб турилади, уларнинг айтишлари ҳақида маълумот беради.

Ўтказилган синов натижаларига қараганда 10 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўсмирлар ўз уларини хавфсиз ва ишончли жой деб билишар экан. Катта ёшдаги ўсмирлар ҳам ўз вақтларини дўстлар даврасида ўтказишни яхши курсалар-да, улар ҳам ўз уларини ишончли ва мустақкам жой деб жавоб қилишган. Яна бир тадқиқотда эса 11 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ҳаётида ким муҳим роль

ўйнаши аниқланган. 84 фоизи ота-оналарини, 53 фоизи ўқитувчиларини, 23 фоизи руҳоний диндорларни, 56 фоизи полициячиларни ва 15 фоизи қироллик оиласи улар ҳаётида муҳим аҳамият касб этади деб ҳисоблашди маълум бўлди. Бир ҳафта давомида ёшлар ўртача ҳисобда кундагина банд бўладилар: 6 минут - ёзиш, 9 минут мусиқа асбобларини чалиш, 147 минут спорт уйинлар уйнаш, 111 минут китоб ўқиш, 173 минут компьютер уйинларини уйнаш, 840 минут - телевизор ва видеофильмлар кўриш учун вақт сарфлашлари аниқланган. Британияда 16 ёш хал қилувчи ёш деб ҳисобланади.

Чунки, болалар мактабни шу ёшда тамомлаб, ўз хоҳишларига кура ўқишни давом эттиришлари ёки бирор касб эгаллашлари мумкин. Лекин, ёшларнинг кўпчилиги ўқишни давом эттириб, олий ўқув юртиларига киришга таярғарлик курадилар.

**Хориз журналидан
Х.АБДУЖАЛИЛОВ
таржимаси.**

Футболчи ФАХРИЙЛАР

Агар инсон узоқ яшайман деса, у кўпроқ ҳаракатда бўлиши керак. Ҳаракат бу саломатлик гарови эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Биз ҳикоя қилаётган спорт муҳлислари фахрийлар бўлиб, футбол уйини билан шуғулланишади. Пискент туманида яшовчи меҳнат фахрийларининг талабига биноан ҳокимият ташаббуси билан меҳнат фахрийларидан ташкил топган футбол командаси тузилди, дейди туман футбол Федерацияси президенти Мамур Бегматов. - Унинг аъзолари турли касб эгалари ва турли ёшдаги кишилардир.

**Суратда: (чапдан ўнгга)
туман футбол
Федерацияси
президенти Мамур
Бегматов, жамоа
аъзолари Шухрат
Хидиров, Мухаммаджон
Мусаев, Уктам
Хайдаров, Шавкат
Убайдуллаевлар.
Х.МИРЗАКАРИМОВ
олган сурат.**



Дунёда бериладиган мукофот ичида Нобель соврини катта аҳамиятга эга. Альфред Бернхард Нобель (21.10.1833-Стокгольм-10.12.1896, Сан-Ремо, Италия) машҳур олим, тадқиқотчи ва ишбилармон сифатида маълум. Киргин келтирувчи портловчи модда-динамит ҳам шу инсон номи билан боғлиқ, умуман эса у саксондан ортик кашфиёт муаллифидир. Динамит, сунъий ипак, газ моторлари ва бошқа кўпгаб янгиликлар шу олимга тегишли. Нобелнинг жаҳонга машҳур қилган сўнги «кашфиёти», бу унинг 1895 йилда Париж шаҳрида (вафотидан бир кун аввал) ёзиб қолдирган бир парча «Васиятнома»си десак муболага бўлмайди. Васиятноманинг пайдо бўлишига эса бир журналистнинг «кўпол» хатсини курсатишади. Уша йили бутунлай бошқа Нобель оламдан ўтган, журналист эса динамит-инсониятга ўлим келтирувчи ихтиро муаллифи вафот этганлигини ўзига хос бир қувонч билан эълон қилади. Хали тирик Альфред Нобель газетдаги бу маълум хабарни ўқиб, ниҳоятда таъсирланади ва ўзидан яхши ном қолдириш йўлини ахтарди ва топади, яъни катта маблғу мукофот сифатида олимларга тарқатишга аҳд қилади.

А.Б.Нобель васиятига кура, унинг вафотидан кейин қолган жағмага асосида Нобель фонди ташкил этилиши керак эди ва шу фондага тушадиган ҳар йилги даромад беш қисмга тенг бўлиниб, Нобель мукофоти шаклида физика, кимё, физиология ёки медицина соҳасидаги буюк кашфиётлар, баъдий асарлар, халқлар дўстлиги ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлида курсатилган фаолият учун йилга бериб борилади.

Нима учун Нобель «Васиятнома»сида жуда муҳим фан математика фани тилга олинмаган, деган савол кўпчиликни кизиқтиради. Бу тўғрисида гўёки математика билан умуман қизиқмаган экан, қолаверса, унинг севган машуқаси математик олим билан турмуш қуриб кетганига боис умуман уylanмаган. Альфред Нобель умри охирида унинг жамгармасида 70-мил-

лион швед крони бўлган, хозирги даврда бу жамгармадаги пул микдори 200 миллион крондан ошган, тадқиқотчи олинмаган ва мукофот учун тақсимланмаган қўшимча даромад талайгинадир.

1968 йили Швеция давлат банки ташкил топганининг 300 йиллик юбилейи муносабати билан иқтисодий фанлари соҳасидаги ютуқлар учун бериладиган қўшимча (олтинчи) Нобель мукофоти таъсис этилди ва у 1969 йилдан бундан ўз соҳибига эга бўлмоқда.

Совриндорлар олдидан сайлаб қўйилган олимлар томонидан тақлиф этилади ва мукофотлар А.Нобель туғилган кун (21октябрь)

кофот совриндорлари бўлган. АҚШ нинг иқтисодий рағнақи ҳақида гап борганда, шу мамлакат олимларининг иқтисодий фанига қўшаётган ҳиссасини ҳам ҳисобга олиш жоиз.

Бу олимлар орасида жаҳонга машҳур Поль Самуэлсон, Ян Тинберген, Василий Леоньев, монетар таълимотни қўлувчи Милтон Фридман, Собик СССРдан ягона чизикли программалашни илгари сурган Л.В. Канторович билан бирга халқ дегарли кўпчилик нотаниш иқтисодчи олимлар ҳам анчагина.

1998 йилги Нобель мукофотини асли ҳиндистонлик Амарта Сен олди. Бу олимнинг илмий ишлари инсон ҳуқуқлари, камбағал-

ҚАШШОҚЛИКДАН ҚУТУЛСА БЎЛАДИ

арафасида эълон қилинади. Мукофотни топириш тантанаси ҳар йили Стокгольм (Швеция) ва Осло (Норвегияда халқлар дўстлиги ва тинчликни мустаҳкамлаш бўйича) ўтказилади. Мукофот тақдимномаси эса 1901 йилдан хозирга қадар давом этиб келаётир.

А.Б.Нобель тасвири туширилган ва тегишли ёзуви бўлган олтин медал, диплом ва микдори фондаги даромадга боғлиқ маблғу соҳибларининг сони 600 тага қиялонилади.

1969-1998 йиллар оралиғида, яъни кейинги 30 йил ичида 43 та иқтисодчи олим «Нобель мукофоти олауреати» унвонига сазовор бўлди. Олдин ташкил шунинг курсатадики, асосий лауреатлар энг ривожланган давлатлар олимларидан, шундан 27 нафари АҚШ дан.

Буюк Британиядан 6 та олим, Швециядан - 2та, Норвегиядан - 2та, Нидерландия, Франция, Германия, Канада, собик СССРдан биттадан олим шу му-

лик ва тенгсизлик муаммоларига бағишланган бўлиб, энг муҳими у мавжуд муаммоларни ечиш йўлиларини ҳам курсатиб берувчи қатор тавсиялар беради. Нима ҳам дердим. Бошдан ўтган табиб деб шунга айтсалар керак-да. 1933 йили Ҳиндистоннинг Бенгалия штатида таваллуд топган ва тўққиз ёшидан очлик, қашшоқликка дучор бўлган Амарта учун, айтиш мумкин-ки, азоб уқубатлар эвазига берилган мукофот деса ҳам бўлади.

Бўлажак совриндорнинг исми бенгал тилида «мр-боқчиликка муносиб» деган маънони аналатади. Бу рамзий маъно амалда ўз тасдиғини топти. Характер ва тиришқоқлик тўғрисида олий маълумот олди, хозирги даврда Гарворд (АҚШ) университетининг хизмат курсатган профессори. Сен 1994 йили америка иқтисодий ассоциациясининг президенти бўлган, хозиргача Гарворд университетда вақтинчалик асосида маъруза қила-

Бухоро шаҳрида хозирги пайтда ноғиронларнинг 56 та бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Бу ташкилотларга олти минг нафардан зиёд киши уюшган. Мустақиллик йилларида ўта муҳтож ноғиронларнинг 60 нафарига аравачалар белул тақдим этилди. Шаҳар ҳокимлиги, вилоят ноғиронлар жамияти, Ф.Хўжаев ва Тўқимачилик туманлари ҶИТМОЙ таъминот бў-

Бухоро шаҳрида футбол бўйича аёллар жамоалари ўртасида Ўзбекистон кубогининг ҳал қилувчи босқичи якунланди. Сўнги турда «Ситора» жамоаси мезбонларни 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратди ва биринчи ўринни қўлга киритди. 2-ўринда эса Наройиннинг «Гули» жамоаси аъзолари мубораклик рақибларини 12:0 ҳисобида енгишти. Мезбонларнинг «Ёшлик» жамоаси аъзолари 3-ўрин билан қиёвланишди.

Пойтахтимидаги Марказий ҳарбий спорт клуби стадионидан машҳур немис футболчиси Герхард Мюллер соврини учун халқаро турнир бўлиб ўтди. Машҳур немис футболчиси соврини учун ўтказилган 4-халқаро турнир сифат жиҳатидан олдингиларидан анча устун бўлди. Бундан ташқари халқаро мусобақалар олдидан ёш футболчиларнинг қандай тайёргарликка эга эканликларини кўриқдан ўтказиш учун ҳам ана шундай мусобақаларнинг ташкил этилиши айни муддаодир. Гарчанд учра-

ди, демократия ва капитализм тўғрисидаги китобини тугаллаш арафасида.

Бундан 10 йил аввал Швеция фанлар академияси иқтисодий мукофотлари комитетининг бир аъзоси «профессор Сен ҳеч қачон Нобель мукофотига сазовор бўла олмайдми», деб баъшорат қилган экан. Бундай фикр пайдо бўлишига асосий сабаб шуки, Сеннинг қадриятлар тўғрисидаги фикр юритиш тамойиллари бошқаларникидан кескин фарқ қилади, унинг мушоҳадалари ниҳоятда ўзига хос, кенг қамровли, шу сабабли муҳолифлари ҳам анчагина. Аммо ажаб ўтиб бориши билан иқтисодий таъсирларига бўлган муносабат ҳам, Швеция фанлар академияси олимлари фикри ҳам анча ўзгарди ва Амарта Сен тадқиқотлари ниҳоят эътироф этилди. Унинг 1981 йили ёзилган «Камбағаллик ва очлик: ютуқ ва муаммолари тўғрисидаги очерк» номли машҳур китоби унга шу ҳурат келтирди. Мазкур тадқиқотлар натижаси уларок, бир қанча мамлакатларда миллионлаб одамларнинг мушукли бироз бўлса ҳам осонлашди. Профессор А.Сен 7.6 млн. крона (тахминан 964 миң АҚШ доллари) микдордаги мукофотни 10 декабрда Стокгольмда олди.

Иқтисодий бўйича Нобель мукофотлари орасида аёллар ҳам йўқлиги таажубланарли. Ваҳоланки физика соҳасида 2 та, кимё бўйича 3та, физиология ва медицинада 6 та, тинчликни сақлашга қўшган ҳиссаси учун-9та, адабиёт соҳасида-9 аёл, жами 29 хотин қизлар шу юксак мукофотга сазовор бўлганлар.

Кўп йиллар мустамлака зулми остида бўлган мамлакатининг олимларининг бу рўйхатда йўқлигини тушунас бўлади, аммо мустақил ривожланиш йўлига ўтган озод юртимизда ҳам ҳадемай ана шундай интидорлар кашфиётига диндорлар олимлар сирасида юртдошларимиз исми қайд этилса ажаб эмас.

Абдухалил РАЗЗОКОВ, профессор.

Шундай одамлар бор бўлсин!

Димлари бундай эзгу ишга бош-қош бўдилар. Шуниси қувончлики, улар кўнглини кўтариш, моддий ва маънавий кўмак бериш доимий юмушга айланиб бормоқда. Ноғиронларга 2 миллион сўмликдан кўпроқ кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ёрдам пу-

шувлар икки кун ичида ўтказилган ва ўйинлар 30 дақиқадан иборат бўлса ҳам, ёш футболчиларнинг уюшчи қувонч билан галаба учун баҳс юритганликларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Турнир, якунида мусобақаларда қатнашган энг яхши футболчи ва тренерларга ҳам алоҳида мукофотлар тақдим этилди. «Соккер» клуби, Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Ўзбекистон Респуб-

ликаси футбол Федерацияси томонидан ўтказилган бу турнир ёш, маҳоратли ва истеъдодли футболчиларни профессионал футболга олиб кириш билан бирга Германияда Ўзбекистон ҳамкорлигини футбол соҳасида ҳам ривожлантиришдан иборат.

Кеча Тошкентдаги Митрофанов номи сув спорт саройида синхрон сузмиш бўйича «Сув париси» деб номланган халқаро турнирга старт берилди. Ўтган йили май ойда Тошкентда синхрон сузмиш

МУРУВВАТ

ли берилганлиги фикримиз далилидир. Вилоят марказидаги ноғиронларнинг «Фотун» ишлари қириш корхонасига тадбиркор Мўмин Норов бошчилик қилаётир. Бу ердаги радио, телевизор, музлаткич, соат тузатиш сингари устахоналарда 30 нафар киши иш билан

таъминланган. Улар ўз нафақаларига қўшимча равишда иш ҳақи ҳам олишмоқда. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида мазкур кичик корхона 100 миң сўмдан кўпроқ соф фойда олишга эришти. Корхона томонидан яқинда 25 нафар ота-онасиз болаларга мактаб кийимлари бепул

бўйича халқаро Федерация Президенти Штеф Хаемберли ва ФИНА қўмитаси аъзоси Систо Салер бошчилигида халқаро семинар ўтказилган эди. Бу семинарнинг якуни ва республикамиздаги спорт мажмуалари билан танишиш қиқча, синхрон сузмиш бўйича «Сув париси» халқаро турнирини айнан Тошкентда ўтказишга қарор қилинган эди.

Оила йилига бағишлаб илк бор ўтказилаётган ушбу халқаро турнирда Хитой, Греция, Словакия, Россия,

Козогистонлик спортчилар билан бирга республикамиз спортчилари ҳам иштирок этмоқда. Мусобақалар синхрон сузмиш бўйича халқаро Федерация қонун қоидалари асосида ўтказилади. Маҳбурий дастур, соло, дуэт кўринишлари бўйича синхрон сузувчиларимиздан Татьяна Завадовская, Юлия Велку, Дияла Гамидова, Сабина Девилея, Олеся Куанова, Оксана Клешко, Наталья Ипполитова, Анастасия Тимонина ва Людмила Тимониналар қишқилари қизиқиш билан қўтилоқда.

Дониёр ЮСУПОВ.

олиб берилди. Бухоро шаҳар ноғиронлар жамияти томонидан эса 200 нафар ноғиронга пул ва совгалар тарқатилди. Уш метанлари эътироф этилаётгани, кадрланаётганидан мамнун бўлган ноғиронлар юқоридаги савҳоват, мурувватларга жиҳован ўз корхоналари ривожига янада кўпроқ улуш қўйиш учун ҳаракат қилаётирлар.

Нафс бандалари

Даромадни яширди

Тўғри йўлдан юрган киши ҳеч қачон қўқилмайди. Ҳам ўзига, ҳам бировга фойда келтиради. Аммо айрим фуқоралар мустақиллик яратиб берган имкониятларни суистеъмоли қилиб, қоида қонунларининг кўпол равишда бузилишига йўл қўймоқдалар. Масалан, Яққабғ туманидаги У.Мирзаев номи жамоа хўжалиги фуқароси А.Еров Маданият қишлоғида шахсий жувозхона очиб олди. Сиз «Яхши иш қилибди, эл оғирини енги қилаётгандир-да» деб ўйларсиз. Лекин, у фақат ўз манфаатини ўйлаб иш қўрди. Мижозлардан жарақ-жарақ пуллари санаб олдию, қонуний рўйхатдан ўтмади, декларация топширмай, даромадини яширди.

Касби туманидаги Муғлон қишлоғида яшовчи Н.Авизов эса солиқ идораси руҳсатисиз ўзига тегишли автомашинада транспорт хизмати кўрсатиб минг-миң сўмлаб фойда қўрди. Шу йил ҳолатда ҳам фақат ўз нафсини ўйлаган, давлат олдидаги бурчини унутган қонунбузарлар катта микдорда жаримага тортилди.

Бундай мисолларни ўнлаб келтириш мумкин. Йилнинг ўтган ойлари мобайнида ўтказилган текширишлар чоғида аҳолига маиший хизмат қўрсатиш соҳасида 130 ҳолатда турли қоидабузарликлар ҳолати аниқланди ва айбдорлардан 245.6 миң сўм жарима ундириб олинди. Ноҳақ шунга ривож йўқ, деб шунга айтсалар керак-да.

ИНСОФСИЗГА ЭРК БЕРСАНГ

Бу мақол гўё автомашиналарга ёниги қуйиш шохобчаларида ишлаётган, халдоҳиларни қўпқундузи шилаётган «уста»и фарангларга қараб айтилган бўлса ажаб эмас. Улар инсоф қўчасидан сира ўтмаган кўринадилар. Бўлмаса ҳам ёниги, ҳам унинг пулидан уриб қолшимган бўларди, илоҳингиз қанча, бусиз манангизнинг бир қадам ҳам жиғилмагани, режаларингиз барбод бўлишини ўйлаб зурриятдан ҳаммасига қўниқшига мажбурсиз.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ.


Олисроқ манзилга отланган Холмурод Мама-тов Қарши шаҳар нефт базасига қарашли 4-шохобчадан А-76 бензини сотиб олдию фиғони фаллакка чиқди. Нега аччиғиланмасин, ахир ёниги белгилангандан анча кам, бунинг устига тақсимловчи Қўбил Тўрақулов ундан 200 сўм ортиқча ҳақ уриб қолган эди-да. Ўртадаги «мунозара» солиқларни аралашувидан сўнггина адолатли хал этилди.

Фақат ўз жиғилдонини ўйлашни одат қилиб олган Шаҳрисабз тумани «Искандар» хусусий фирмасига қарашли 17-АЕ-ҚШ оператори Қажрамон Хаётов харидор ҳақидан роппа-роппа 720 сўм уриб қолди. Нишон нефт базасининг Қарши шаҳар «Самрос» фирмасига қарашли 2-ёниги қуйиш тақсимловчиси Мурод Қиёмов, Суннат Мама-товлар ҳам қўлга тушиб, ер чизиб қўлдлар. Ҳар ким эканкини ўради, деганларидек, улар қилмишлари учун жавоб берадилар.

ЙЎЛДАН ОЗГАН ТОВАДИ

Бешкент матбуот савдо очик ҳиссадорлик жамиятига қарашли 15-дўкон мудири Жамил Ҳалимов атайлаб қилдимни, ёки харом пулнинг сеҳри уни йўлдан оздирдики ҳар ҳолда солиқчиларнинг қайта-қайта оғоҳлантиришларига қарамай ўз билганидан қолмади. Савдо қоидалари бир йилда икки бор бузилиб, назорат касса машинаси ўрнатилмаганидан кейин расмийлаштирилган ҳужжатлар туман ички ишлар бўлимига оширилди. У жиноят кодексининг 189-модда 1-қисми билан айбдор деб топилди. Энди охириги сўзни суд айтади.

Ўтган ой текширишда Шаҳрисабз туманидаги «Кеш» савдо ҳиссадорлик жамиятининг бўлим мудири Нўмон Раҳматов, Баҳодир Қаримов, Чоршанба очик ҳиссадорлик жамиятига қарашли 35-дўкон мудири Аҳмад Исмоилов ҳам йўлдан озиб, тоғиб кетганликлари маълум бўлди. Айни пайтда улар иши юзасидан тергов олиб борилаётир.



Балиқлар рақси...

Сариқ юмронқозик йилнинг тўққиз ойида сув ичмай ва овқат емай яшай олади. Сахро мушуги - қорақол учиб кетаётган қушни панжаси билан уриб тушира олади. Бароқ бармоқли қўш оёқ қумлоқ ерда ўн беш минутда узунлиги бир ярим метр келадиган уя қуриб олиши мумкин. Ташбақа бир йилда саккиз ой ухлайди. Бўрсиқ ўта заҳарли илони еса ҳам ҳеч нарса бўлмагандек юраверади. Туя сувсиз-бир ой яшай олади. Аммо Жануби-Африка Америка саҳроларида яшайдиган олмаҳонлар чидамликда туяни анча орқада қолдириб кетишар экан. Улар юз кун яшашлари мумкин.

БИЛАСИСИЗМИ?

монларининг қушлар дунёси ниҳоятда ранг-баранг. Масалан, у ерда яшайдиган чачалка деган қушнинг ҳаракатига қараб маҳаллий аҳоли об-ҳавонинг қандай бўлишини олдидан бемалол айтиб бера олади-лар. Хусусан, бу қуш қаттиқ қиқчира бошлайди, демак, яқин орада ёғингарчилик бўлиши аниқ.

Дунёда энг ҳиди ўткир гул Америка қактусидир. Унинг ҳиди бир километр узоқликдан ҳам димоққа уриларкан.

Баландликка сакраш бўйича жаҳон рекорди Жанубий Америкада яшовчи қиқинагина антропога тегишли. Унинг оғирлиги 10 килограмм, бўйи тахминан бир метр бўлишига қарамай, 7 метрли қоядан бемалол сакраб ўтаверади.

дунёда энг яшашаркан. Жанубий Африкада Амандана деган усти танга-танга митти қуш бор. Оғирлиги 11 граммдан ошмайди. Қунига ярим грамм сув ичади. Қушча сув ичмаса ҳам, ҳечам озмай, икки ойдан зиёд яшайи мумкин. Лекин, кенгуру-чи? Кенгуру сувсиз ўз оғирлигининг учдан бирини, баъзан ярмини йўқотади. Шу ҳолда у уч ой юра олади. Айтгандай, кенгуру беш кунда бир марта сув ичади. Туяни олсак, у йўл юрса ҳам мўл юриб, ўз оғирлиғига нисбатан 33 фоиз озиши мумкин. Булоқ бошигами, дарё лабигами етгач, у бир ўтиришда неча килограмм озган бўлса, шунча микдордаги сувни симиради.

Жанубий Америка ўр-

Бош муҳаррир: Мирғиёс ҚАЮМОВ

Бош муҳаррир қўбулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Маъмул қотиб - 36-52-78

БЎЛИМЛАР:

Касаба уюшмалари ва иқтисодий-56-82-79
Ахборот ва спорт-56-87-63. Матбуот ва маълумот -56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва муҳрирлар билан ишлар -56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ-56-85-66.

ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:

Амударёда -36-64-24. Фарғонада -24-58-43.
Ургучда -6-03-40. Қаршида -5-43-71.

Газета 1991 йил 21 апрелдан чакра бошлаган. Сотувида эркин нархда.
Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Провид Восток») кўчаси, 24-уй. Паиш курсаткичи: 133; 134

Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерли терилди ва сифатлаштирилди. Об'ект усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширишда 23.30

Бухорога Г-0508. Нусхаси - 14.663. Саҳифаловчи: Зокир БАКИРОВ. 123456